

ДЕМОКРАТИЯ
ВА ҲУҚУҚ

ЖИЗЗАХ. Демократик-ҳуқуқий давлат мавзусида ўтказилган халқаро семинар икки кун давом этди. Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси йўналишлари бўйича халқаро марказ билан ҳамкорликда ташкил этилган бу йилгишда "Демократик-ҳуқуқий давлат" туркумига кирувчи семинарнинг иккинчи босқичи — "Мустақил Ўзбекистонда суд тизими ва инсон ҳуқуқлари кафолатлари" мавзусида муҳокама қилинди. Йилгишда Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайдер иштирок этди. Келдиёр Жўрақулов.



ДОРИ —
ДАРМОН БИСЁР БЎЛАДИ

СИРДАРЁ. Гулистонда барпо этилаётган қўшма корхона фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Корхона раҳбари О. Норкуловнинг таъкидлашича, бу ерда умумий қиймати 1,2 миллион АҚШ долларига тенг 24 хилдаги дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Келажакда эса корхона қувватини 2-3 баробар ошириш, хорижга маҳсулот чиқариш кўзда тутилган.

Абдужалил УМАРОВ.



КИШЛОҚ
МУАЛЛИМИНИНГ ҚўЛЛАНМАСИ

ХОРАЗМ. Таниқли муаллим, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Йўлдош Одилов "Адабиётга ёндош дастур бўйича қўлланма" китобини чоп эттирди. Хонқалик ўқитувчининг бу китобида адабий меросимиз, халқ оғзаки ижодининг намуналари ва муҳим тавсиялар ўрин олган. Қишлоқ муаллимининг қўлланмаси воҳа мактабларида ўқувчиларга маҳсул даре сифатида ўргатилмоқда.

Рўзимбой ХАСАН.



ОЛМОС,
АХИР ОЛМОС-ДА

ТОШКЕНТ. Олмоснинг Баҳос зарғарларга азиздан маълум. Фан-техника тараққийоти даврида унинг қадри янада ошди. Чунки ундаги ноёб ҳосиллар кўп соҳаларда қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам унн ХХI аср материали, деб бежиз аташмайпти. Бу эса табиқий, олмосга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ҳам оширишга, унн кўпайиб ишлаб чиқариш муаммосини кундалик қўймоқда. Тошкентда бўлиб ўтган "Газер нурларидан ситезде фойдаланиш, олмос плёнкаларни ташқиш қилиш ва қайта ишлаш"га бағишланган халқаро конференцияда ана шу масалалар муҳокама этилди. Конференцияда АҚШ, Германия, Франция, Япония, Италия ва Россиядан келган таниқли олимлар иштирок этилди.

Бобо САРОВИЙ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 9 октябрь, пайшанба № 118 (22.202).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига кўра, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил қилинди. 7 октябрь куни мазкур комиссиянинг дастлабки йиғилиши бўлди.

«Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

Республикамиз пойтахтида бошқарувиинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқариш билан шуғулланган Американинги йирик «Хонвелл» компанияси техник маркази очилди.

БУХОРО — бу қадимий шаҳар нималарини бошдан кечирмади. Яқин тарихимиздаги рус босқини, шуролар тузуми бу қадим шаҳарнинг бошига не қулфатларни солмади — қадимий обидалар утирилди, шаҳар вайрон қилинди. Куксида шунча жароҳатларни сақлаган шаҳар умид ва ишонч билан мағрур тураверди. Ва бугун — БУХОРО устида эрк ва озодлик қуеши нур сочиб тургани ҳаммамизга маълум. Шаҳар қайтадан яшармоқда. Қадим обидалар таъмирланиб салобат ва абдилят касб этмоқда. Дуненинг турли бурчати-дан келган хорижий сайёҳлар ҳам, иш юзасидан шаариф шаҳарга оланган қишлоқликлар ҳам хордиқ чиқариш учун албатта Бухоронинг қалқиб турган юраги саналмиш Лаби ҳовузга келишади. Нега?

Бухорода тарихий обидалар жуда бисёр. Ҳаммаси бир-биридан гузал ва жозибдор, баргани дол қолдиради. Аммо ҳаммасидан ҳам Лаби ҳовуз мажмуи узгача. Чунки, у эски шаҳарнинг асосий кўчаларини туташтирибгина қолмай, балки одамлар қалбига эзгулик уруғини ҳам сочади. Атрофга боқамиз: бир томонда Куксалдош мадрасаси, иккинчи томонда Нодир девонбегини хонақоси. Уларнинг уртасида катта тош ҳовуз — Лаби ҳовуз бўйида қариялар чойхонаси. Унинг енгинасида мўъжизгина хиебон. Хиебондан халқимизнинг севган қахрамони — Насриддин афанди ҳайкали жой олган. Атрофга гўе юлдузлар қўйгандек: ҳар дамда, ҳар қаламда гул, гул, гул, уйин-қулуг-қаҳқаҳа! Эски шаҳарда ягона — сямимият ва нафосат уфуриб

ЛАБИ ҲОВУЗ

У мўйсафид шаҳарнинг уриб турган юраги

турадиган бу масканда қишин-езин ҳаёт қайнайд. Баҳайбат тутдурга чиқиб, лайлақлар (улар Бухорога албатта қайтадилар) усынни томоша қилиб, сунг ҳовузнинг хузурбахш сувига узларини отаётган болақайлар, уларнинг мардингига лол холда турган хорижлик сайёҳлар, суриларда дуслари билан лийдорлашиб, шукроналик ила кўк чой ичаётган нурунийлар, қулида гўе жуфтини қутаётган йитилгилар, латифалар оғушида, юзи қизарган еш — қасри кўзларидаги табассум...

— Бухорога таъриф йўқ. У гузал шаҳар, — деганди Дания этнография институту профессори Савон Савои. Лаби ҳовуз ансамбли фикримни тасдиқлайди. — Бу шаҳарни очик музей шаҳри деб ҳисобласа бўлади, — деди Варшава университетини профессори Кароль Шимчак. — Унинг мейморий ёдгорликлари бетакрордир. Лаби ҳовузнинг ўзи мени лол қолдирди. Бу мўъжиза, шаҳарни асраб-авайлаш керак! Ортбошимиз мўътабар меҳмонлар билан Бухорога ташриф буюрганларида Лаби ҳовузнинг чиройи янада ошадди. Президентимиз бу ерда Шариф шаҳарнинг мўйсафилари билан қизгин сўхбат қурганлари, турмуш тарзлари, яшашлари билан қизикқанлари ҳам Бухорога бўлган иссиқ меҳр, эҳтиромнинг узиниси. Бугун Лаби ҳовуз атрофида



одамлар ҳар галгидан ҳам кўп. Чунки, унинг атрофидаги мадрасалар таъмирланипти. Қўшн тўманлардан келган курувчилар обидаларга умр бағиш-ламоқдалар. Ҳа, Лаби ҳовуз мажмуи янада яшармоқда. Олдиди эса катта маърака, туй. Унча, Лаби ҳовуз ҳам ясаиб туриши керак. Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Покистон ядро ҳавфсизлиги тўғрисидаги халқаро конвенцияга имзо чекди. У ўтган йилнинг 22 октябрида кучга кирди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган ахборотномага таяниб миллий телевидение шундай маълумот берди. Шундай қилиб, Покистон олдиди бошқа мамлакатларнинг ядро технологиясига кириши, Атом энергияси халқаро вақилини билан ҳамкорликда шу соҳада тажрибалир ўтказиш имконияти очилди. «Интернет» тизими хабарига кўра, конвенциянинг имзоланиши Покистон олимлари ва мутахассисларида Карачи яқинидаги атом электр станцияси ва Чашмеда ҳавфсизлик вазиятида қурилаётган атом электр станциясидан бемаалол фойдаланиш имконини беради.

нинг собиқ қароргоҳи жойлашган Қалган Жанги ҳам толибончилардан тозаланди. Бу кўпна қалғани толибончилар икки ҳафта мобайнида ўз қўллариди ушлаб туришган. Жанлар чоғида генерал Дўстумнинг сафдошларидан бири, таниқли дала кўмондони Маҳмуд ҳалок бўлган, генералнинг ўзи эса ўн минг кишилик аскарлар сардори сифатида толибончилар қўлида бўлган Ҳайратон шаҳри томон йўналди. АҚШда ҳавфли жиноятлар сови беш йилдан буён мухтазам равишда озаймоқда. ФБРнинг сўнгги докладыга кўра, қотиллик кейинги 25 йил ичиди энг оз миқдорда содир этилган. Бунга сабаб қилиб 40—50 йилларда туғилиб беқарор ижтимоий вазиятда улгайганларнинг қаригани, жазо чораларининг кучайгани, полиция мақоми ва нуфузи ошгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Буюк Британияда суи ости кемаларига ўрнатилувчи «Трайден» ядро қуроли тизими қисмларидан айримларининг йўқолгани эълон қилинди. Ушбу қисмлар жиноятчилар ёки қўп-рувчиларнинг қўлига тушгани, буни мамлакат Мудофаа вазирлиги вақилари ҳам билишолмапти. Улар АҚШдан келтириладиган ушбу тизимни қабул қилиш қонқарсиз аҳволда, деган хулосага келишган. Йўқолган қисмлар орасида ядро қуроли йўқ. Шунинг учун у бевосита ҳавф тугдирмайди.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси истиқлолнинг мунававар нуридан баҳраманд эл-юртимиз ҳаёти акс этган тасвирий ва амалий санъат асарлари учун «Энг улуг, энг азиз» сайёр кўргазмасини ташкил этади ва шу асосда танлов эълон қилади. Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: 1. Битта биринчи мукофот — 50 минг сўм. 2. Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 30 минг сўмдан. 3. Учта учинчи мукофот — ҳар бири 20 минг сўмдан. 4. Шунингдек, махсус қимматбаҳо совринлар ҳамда барча иштирокчилар учун «Энг улуг, энг азиз» республика бадий кўргазмасининг лауреати дипломлари таъсис этилган. Мазкур танлов истиқлол шарофати билан қадду бастини тиклаб олаётган халқимизнинг бугунги бунёдкорлик турмуши, юртимизнинг гузал курку тароватини бор маъно-мазмуни, буйбаста билан намойиш этишга хизмат қилади. «Энг улуг, энг азиз» сайёр кўргазмаси мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўтказилади. Яқиний кўргазма Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йилги арафасида Тошкентдаги марказий кўргазмалар залида очилади. Голиблар мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади. Танловга марҳамат!

ДАЛА ОДАМИ



Ўзбекинги ўзига хошлиги бор — меҳнатқас. Шу важдан бўлса керак «Меҳнатнинг таги — роҳат» деган гап ҳам шу ўзбеклардан чиққан. Кимдир буни тўғри тушунади, кимдир... Қисқаси ҳар ким ҳар хил тушунади. Бироқ бизнинг тушунишимизча, меҳнатнинг роҳатини кўриш етти қават кўрпачада ётиб олиб ҳузур қилиш эмас, балки меҳнат майдониди хизматнинг натижасини ўз кўзинг билан кўриш ва бутун вужудинг билан қувониб, лаззатланишдир. Бу эса сизни яратувчанлик ишига янада илҳомлантиради. Сиз суратда кўриб турган оқсоқоллар ҳам яратувчанлик, меҳнат туйфайли роҳат тонаётган-

лардан. Кимдир ўйлаши мумкин, бу ёнда уйда тиниб ўтирмайдими, деб. Йўқ, Абдужаббор ота уйга қамалиб ўтиролмайдими, ёрилиб кетади. У дала одами. 90 ёшга кириб-диамки, тинмайди. Маржондек тизилган узумларига қарап, манзарадан кўзингиз қувнайдими, чолнинг кўзларини пешонангта сўригил келадими. Бу кўзлар нималарга қодир эмас-а?! Абдужаббор ота етиштирган шу узумлардан бир бошини бир ўзингиз еб тутатолсангиз, қойил қоламиз. Лекин сиз қойил қолдиrolмайсиз. Негаки, бу узумлар тилини ёради. Бундай узумларни яратиш учун эса дехқоннинг пири бўлиш керак. Абдужаббор

ота худди шундай пирлардан. Дарвоқе, Абдужаббор отанинги қаерда яшашини ҳам айтиб ўтайлик. У Наманган вилоятининг Тўрақўрган туманидаги Хўжанд қишлоғидан. 30 сотих ери бор. Ўша ерда узумнинг «Хусайн» ва «Келин бармоғи» навларини неча йиллардан бери етиштириб келадими. Ҳар йили 7-10 тоннадан ҳосил олади. Бу йил ҳам ҳосил мўл. Отанинги яна бир фазилати шуки, савобни хуш кўради. Шунинг учун яқинда бол томан узумлардан туман марказий касалхонасида давола-наётган болаларга совга тариқасида жўнатди. Етук селекциячи бўлгани сабаб бутун бир қишлоқни ўзи етиштирган узум навлари билан таъминлаганини айтмайсизми. Кимнинг хонадонидан сўраманг, «бу Юсупов нави» дейишади. Айтгандай, бундан уч йил муқаддам юртбошимиз Наманган вилоятига борганда отанинги боғига ҳам ташриф буюрганди. Ушанда отанинги яратувчанлигига Президентимиз ҳам қойил қолган ва унинг меҳнатини енгил автомобиль билан тақдирлаган эди. Юртбошимизнинг эътибори отага жуда катта мадад бағишлади. Вужудда жўшқинлик қайта уйғонди. Бу йил яна бир янгиликка, кашфиётга қўл урмоқчи: ўгли Комилжон билан узумларни қаҳратон қишгача ва ундан ҳам ўтказиб сақлаш, сақлагандам ишқоннинг ўзида, маҳсул иссиқ чодирлар билан ўраб сақлаш тажрибасини ўтказишмоқчи. Насиб этса бу йил қишда ва баҳорда ишқондан янги узилган ширин-шакар «марварид»ларни юртимиз аҳолиси истеъмол қилади деган умиддамиз. Ишшооллох, тадбиркорликнинг яна бир куртаги Ўзбекистонда барқ уражак. СУРАТДА: ака-ука Юсуповлар. Унда 90 ёшли боғбон Абдужаббор ота, нажда эса 82 ёшли укаси Абдусаттор ота.

ОБУНА 98

НАШР ИНДЕКСЛАРИ:

- Ўзбекистон овози
- Яна тартибдаги обунилар учун — 220
- Ташкентда учун — 221
- ГЛОС
- Ўзбекистонда
- Яна тартибдаги обунилар учун — 121
- Ташкентда учун — 122
- ОСМЕ БОЗИРИ
- Яна тартибдаги обунилар учун — 174
- Ташкентда учун — 175

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗИ! БИЗ ДОИМО СИЗ БИЛАН!

